O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

• 2007-yil • 3-mart • Shanba • 27 (27.672) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

ОЗОД ЮРТНИНГ ИЛК ОРДЕНИ

Мамлакатимизда оналик ва болаликни ҳимоя қилиш ҳамда ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида изчиллик билан амалга оширилаётган сиёсат бугун ўз самарасини бермоқда. Истиқлол ғояларига содиқ, мард ва жасур, интеллектуал салоҳияти юксак авлод шаклланмоқда.

Мустақил Ўзбекистонда Президент Ислом Каримовнинг 1993 йил 4 мартдаги Фармони билан таъсис этилган биринчи орденнинг «Соғлом авлод учун» деб номланиши суверен мамлакатимизнинг эзгу мақсадини дунёга намоён қилган эди. Юртбошимиз таъкидлаганидек, она тўғрисида, унинг фарзанди тўғрисида ғамхўрлик қилиш давлатимизнинг муқаддас бурчига айланди. Мамнуният билан қайд этиш керакки, ўтган йиллар давомида ана шу мақсад, ана шу муқаддас бурч изчил амалга оширилмоқда. Бугун ушбу орден кўплаб юртдошларимизнинг кўкрагини безаб турибди. Улар жамиятимиз ҳаётининг турли жабҳаларида самарали меҳнат қилиб, миллий тараққиётимизга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшган замондошларимиздир.

«Соғлом авлод учун» ордени билан мамлакатимизда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, ўсиб келаётган ёш авлоднинг соғлиғини мустаҳкамлаш, уни Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш ишида алоҳида хизмат кўрсатган юртдошларимиз тақдирланадилар. «Соғлом авлод учун» ордени билан бошқа давлатлар фуқаролари ҳам мукофотланиши мумкин.

Президентимизнинг «Соғлом авлод деганда биз фақатгина жисман бақувват фарзандларимизни эмас, балки маънавий бой авлодни ҳам кўзда тутганмиз. Чунки ҳар тарафлама соғлом авлодга эга халқни ҳеч қачон енгиб бўлмайди», деб айтган гапларининг нақадар ҳаётийлиги халқимиз эришаётган ютуқларда ўз ифодасини топмоқда. Бугун мамлакатимизда оналар ва болалар учун етарлича шароит муҳайё қилинмоқда. Юртимизнинг қай бир гўшаси ё маҳалласига борманг, аввало, ёшлар учун бунёд этилган замонавий таълим масканлари, муҳташам спорт саройлари, соғлиқни сақлаш муассасаларига кўзингиз тушади.

Халқимизнинг соғлом авлодни вояга етказиш борасида эришаётган ютуқларини халқаро ҳамжамият ҳам тан олмоқда.

Соғлом авлод, соғлом фикр, соғлом турмуш тарзига эришиш билан боғлиқ бундай олижаноб мақсадлар «Соғлом авлод учун» ордени замирида мужассам.

Ж. МЕЛИҚУЛОВ,
ЎзА шарҳловчиси

ҲАМКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 2 март куни Оқсаройда Миср Араб Республикасининг халқаро ҳамкорлик вазири Фоиза Абуннажо хонимни қабул қилди

— Ўзбекистонда Миср Араб Республикасини ва унинг раҳбари Ҳусний Муборакни жуда яхши билишади, — деди Ислом Каримов меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлаб. — У нафақат араб олами ва мусулмон дунёси, балки бутун жаҳонда яхши танилган давлат арбобидир.

Ўзбекистон билан Миср ўртасида сиёсий, иқтисодий ва гуманитар соҳалардаги муносабатлар ривожланиб бормоқда. Хусусан, парламентлараро алоқалар, ташқи сиёсат маҳкамалари ўртасидаги ўзаро маслаҳатлашувлар фаоллашмоқда.

Таъкидлаш жоизки, 1993 йилда пойтахтимизда фаолият бошлаган Миср Араб Республикаси элчихонаси Ўзбекистонда очилган биринчи араб дипломатик ваколатхонаси ҳисобланади.

Президент Ислом Каримовнинг мамлакатимиз мустақилликка эришганидан кейин хорижий давлатларга илк ташрифларидан бири ҳам Миср Араб Республикасига бўлган эди. 1992 йилнинг декабрь ойида амалга оширилган ушбу ташриф икки томонлама муносабатлар тарихида муҳим воқеа бўлган эди. Мазкур ташриф чоғида ўзаро ҳамкорлик алоқаларининг ҳуқуқий асослари яратилди. Жумладан, Ўзбекистон билан Миср ўртасидаги муносабатлар ва ҳамкорлик асослари тўғрисида шартнома, сармояларни ҳимоя қилиш ва рағбатлантириш тўғрисидаги битим, иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорликка, ҳаво транспорти қатновига доир қатор ҳужжатлар имзоланди. Ҳозирги кунда йигирмадан зиёд икки томонлама ҳужжат амал қилмоқда.

Мамлакатларимизнинг ўзаро савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш борасидаги имкониятлари катта. Масалан, сайёҳлик, тўқимачилик, фармацевтика, нефть кимёси, енгил саноат, қишлоқ хўжалиги каби соҳаларда икки томон учун манфаатли лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш мумкин. Лекин ҳамкорликнинг ҳозирги кўрсаткичлари имкониятлар даражасидан анча паст. 2006 йилда мамлакатларимиз ўртасида ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 3,6 миллион АҚШ долларини ташкил этгани, юртимизда Миср ишбилармонлари билан ташкил этилган атиги иккита қўшма корхона фаолият кўрсатаётгани бу фикрни тасдиқлайди.

Ўзбекистонда Миср эҳромлари ва қадимий обидаларига, Мисрда Ўзбекистоннинг тарихий обидалари ва муқаддас қадамжоларига қизиқиш катта. Сайёҳлик йўналишидаги ҳамкорликнинг муайян механизмлари ишлаб чиқилса, икки томон учун ҳам сайёҳлар сони анча ошган бўлур эди.

Ўзаро ҳамкорликни бугунги кун талаби даражасида ривожлантириш борасида Фоиза Абуннажо хонимнинг юртимизга ташрифи давомида ўтган Савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон — Миср ҳукуматлараро қўшма комиссиясининг бешинчи мажлиси муҳим аҳамият касб этиши шубҳасиз.

Ўзбекистон билан Миср ўртасида маданият, илм-фан, таълим, санъат ва маънавият соҳаларидаги алоқалар изчил ривожланмоқда. Бунда Миср элчихонаси ҳузуридаги Фан ва таълим марказининг ҳам салмоқли ҳиссаси бор.

Фоиза Абуннажо хоним 1975 йилдан буён дипломатия соҳасида фаолият кўрсатиб келади. Ўтган асрнинг 90-йилларида БМТ Бош котибининг махсус ёрдамчиси ва сиёсий масалалар бўйича маслаҳатчиси вазифаларида ишлаган.

Оқсаройда бўлиб ўтган учрашувда Ўзбекистон Республикаси билан Миср Араб Республикаси ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини янада кенгайтириш ва мустаҳкамлаш, бу борадаги мавжуд имкониятлардан имкон қадар тўлароқ фойдаланиш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

Фоиза Абуннажо хоним Ислом Каримовга Миср Араб Республикаси Президенти Ҳусний Муборакнинг мактубини топширди.

(ЎзА)

❖ **Маҳсулот — ўзимизники, Ўзбекистонники!**



«ЭНГ ЯХШИ ЭКСПОРТЧИ» КОРХОНА

«ПОП-ФЕН» — нафақат Наманган вилоятида, балки мамлакатимиз миқёсида ҳам энг илғор қўшма корхоналардан бири. Тўрт юз қирқ нафар ишчи-хизматчи меҳнат қилаётган қўшма корхона халқаро стандартлаштириш тизими — ИСО 90002001 сифат сертификатига эга.

2006 йилда 3654 тонна калава-ип тайёрлаб, хориждаги буюртмачиларга 8 миллион 645 минг АҚШ доллари миқдорида маҳсулот жўнатган корхонада олдинги йилга нисбатан 105 фоиз ўсишга эришилди. Экспорт ҳажми умумий ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг 93 фоизини ташкил этмоқда. Ўтган йил якуни бўйича корхона Ўзбекистон Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги ва «Ўзбекенгилсанот» давлат акциядорлик компаниясининг «Энг яхши экспортчи» номинацияси бўйича ғолиблик дипломини қўлга киритди.

«ПОП-ФЕН» калава-ипларига бўлган талаб тобора ошиб бормоқда. Бугунги кунда корхона Россия, Туркия, Белорусия мамлакатларидан буюртмалар олмоқда.

Носиржон ДЕҲҚОНОВ

Суратларда: *корхона фаолиятидан лавҳалар.*

Ҳ.МАМАДАЛИЕВ (ЎзА) олган суратлар

❖ **Муносабат**

МУНОСИБ ЭЪТИРОФ

Муҳтарам Президентимизнинг Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ислом ташкилоти — АЙСЕСКО томонидан 2007 йилда Тошкент шаҳрининг «Ислом маданияти пойтахти» деб эълон қилиниши муносабати билан «Туркистон-пресс» нодавлат ахборот агентлиги мухбирига берган интервьюсини ўқирканман, дилимда фахр-ифтихор туйғулари уйғонди. Сабаби, пойтахтимиз Тошкентнинг бундай юксак эътирофга сазовор бўлишида Юртбошимизнинг мамлакатимизда диний қадриятларни тиклаш, уларни қадр топтириш йўлида қилган беқиёс саъй-ҳаракатлари, журъат ва жасоратлари яна бир бор кўз олдимда намоён бўлди.

Ҳақиқатан ҳам бугун биз ўзбек халқининг азалдан ислом маданияти ривожига беқиёс ҳисса қўшиб келганини фахр билан айта оламиз. Ал-Бухорий, Ғиждувоний, Баҳоуддин Нақшбанд ва бу улуғ зотларнинг шогирдлари қолдирган буюк маданий мерос асрлар оша ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ. Бугунги кунда олиб борилаётган улуғ ва савобли амаллар туфайли аждодларимиз мақбаралари халқимизнинг мўътабар зиёратгоҳларига айлантирилди.

Ҳар тонг ўз юмушига отланадиган ҳар бир мусулмон бундай улуғ қадамжоларни зиёрат қилишга одатланган. Биргина бу эмас. Диний-маърифий қадриятларни ўрганиш, асраш, уни ёш авлод қалби ва онгига етказиш борасида улкан амалий ишлар олиб борилаяптики, бу ҳаммага ойнадек равшан. Бунинг устига қадимий шаҳарларимиздаги осори-атиқалар — шарқ меъморчилик санъатининг дурдоналари ҳақида айнан мамлакатимиз раҳбарининг ўзлари қайғураётгани халқимизнинг бахтидир. Бухоро шаҳрининг 2500 йиллиги, Абдулҳолиқ Ғиждувоний, Баҳоуддин Нақшбанд ҳазратлари юбилейларининг халқаро миқёсда тантана қилиниши, Масжиди Калон, Чорбакр, Нақшбандий, Ғиждувоний зиёратгоҳларининг обод этилиши ислом маданиятига бўлган юксак эҳтиромдан дарак эмасми? Буларнинг барчасига гувоҳ бўлганим учун ҳам савобли ишлар ташаббускори Ислом Каримов раҳнамолигида ҳали олдимизда буюк ишлар турганини ҳис этамиз.

Интервьюдаги **«Ўз-ўзидан равшанки, Тошкент шаҳрига «Ислом маданияти пойтахти» деган юксак ном берилиши бизнинг зиммамизга катта масъулият юклайди. Айниқса, неча юз йиллар мобайнида юртимиз ҳудудида яратилган буюк маданий ва маънавий меросниг туб моҳиятини, унинг кўпчиликка маълум бўлмаган қирраларини нафақат мусулмон олами, балки бутун жаҳон аҳлига кенг тарғиб қилиш... зарурлигини биз яхши биламиз»,** деган сўзлар дин уламолари олдига ҳам муҳим вазифаларни қўяди, деб ўйлайман.

Абдулғофур ҳожи РАЗЗОҚОВ,
Ўзбекистон Мусулмонлари идорасининг Бухоро вилояти вакили, Баҳоуддин Нақшбанд жомеъ масжиди имом-хатиби

ҚОНУН ИЖРОСИ МУҲОКАМАДА

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитасининг йиғилиши бўлиб ўтди. Ушбу йиғилиш «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурининг Сурхондарё вилоятидаги ижросига оид назорат-таҳлилнинг муҳокамасига бағишланди.

Унда таъкидланганидек, вилоятда «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурини ҳаётга татбиқ этиш юзасидан қатор дастурлар қабул қилиниб, чора-тадбирлар белгиланган. Шунингдек, таълим муассасаларида фуқароларга билим бериш, касб-ҳунар ўргатиш, олий маълумот олишнинг ҳуқуқий асослари кафолатланган.

Шу билан бирга мактабгача, мактабдан ташқари, ўрта махсус касб-ҳунар ва олий таълим бўйича қонун ҳужжатларида белгиланган талабларнинг ижроси борасидаги ютуқлар билан бир қаторда камчиликлар ҳам мавжудлиги йиғилиш давомида айтиб ўтилди.

Хусусан, вилоят таълим тизими идораларида қонун ҳужжатларидан хабардорлик даражаси қониқарсиз аҳволда бўлиб, мазкур ҳолат «Таълим тўғрисида»ги Қонуннинг тўлақонли ижроси билан боғлиқ жараёнга салбий таъсир этмоқда. Мактабгача таълим муассасаларига болаларни жалб қилиш вилоят бўйича 12,4 фоизни ташкил этмоқда.

Йиғилиш сўнггида айтиб ўтилган камчиликларни бартараф этиш юзасидан зарур тавсиялар берилди ва назорат-таҳлил якунлари муҳокамаси юзасидан қўмита қарори қабул қилинди.

Маъмуржон МАҲМУД

❖ **Газетада босилмади, аммо...**

ТЕГИШЛИ ЧОРАЛАР КЎРИЛДИ

Самарқанд туманидаги «Қуштамғали», «Конигил», «Жуст-Сой», «Қози-ариқ» ва «Гала Осиё» маҳаллалар фуқароларидан келган аризада Тойлоқ туманидаги «Тони грейн» қўшма корхонасидан чиқадиган оқова суви «Сиёб-Б» каналига қуйилиши оқибатида чорва молларига зиён етаётгани, ёзда болалар каналда чўмилишдан маҳрум бўлишгани ҳақида ёзилган эди.

Мазкур шикоят хати ўрганиб чиқиш учун вилоят ҳокимлигига юборилди. Куни кеча эса вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитасидан жавоб хати олдик. Унда жумладан шундай дейилган:

«Аризада келтирилган далиллар вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ходимлари томонидан батафсил ўрганиб чиқилди.

1999 йилда Тайлоқ туман ҳокимлиги томонидан «Сиёб-Б» хусусий савдо ишлаб чиқариш фирмасига ер ажратилган бўлиб, кейинчалик ушбу корхона «Тони грейн» Ўзбек — Россия қўшма корхонасига айлантирилган.

«Самарқандфуқароқурилишлойиҳа» очиқ турдаги акциядорлик жамиятининг лойиҳаси бўйича консерва заводи қурилган. Ушбу корхона лойиҳавий қувватига асосан 200 тонна сабзавот қайта ишланади. Лойиҳаси экологик экспертизадан ўтказилиб, 1999 йил 23 март 1/71 сонли хат билан 25-сонли, 1999 йил 12 август 1/246 сонли хат билан 75-сонли хулосалар олинган.

Текшириш мобайнида корхона томонидан Ўзбекистон Республикасининг «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги, «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги қонун талаблари бузилиш ҳолатлари аниқланди. Жумладан, сув таъминоти ва оқоваларнинг бирламчи ҳисоби юритилмаган. Экологик меъёрлаш ҳужжатларининг муддатлари тугаган. Тозалаш иншооти белгиланган муддатларда тозаланмаган. Тозаланган оқоваларни тўплаш иншооти бўлиб, ушбу сувлар Қозихона ариғига ташланмоқда.

Юқорида кўрсатиб ўтилган камчиликларни бартараф этиш юзасидан корхона маъмуриятига мажбурий бажариш учун 10 банд талабнома берилиб, ижроси назоратга олинган. Текшириш натижаларига кўра, 2 та мансабдор шахс маъмурий жавобгарликка тортилиб, 43200 сўм жарима солинган. Оқоваларни очиқ сув манбаларига ташлагани учун корхонага 1,5 млн. сўмлик иқтисодий чора кўрилган...

2007 йилда қўмита томонидан канал сувига оқова ташланиш нуқтасигача ва оқова ташлангандан кейинги нуқталардан намуналар олиниб, кимёвий таҳлил ўтказилиб борилади. Сувнинг бактериологик ифлосланишини назорат қилиш санитария-эпидемиология марказига юклатилган.

Самарқанд вилояти табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси раиси Ҳ.АЗЗАМОВ»

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

ДЕҲЛИДА ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТИ ТАҚДИМОТИ

Деҳлидаги етакчи ҳинд олий ўқув юртларидан бири — Амити университетида ҳар йили ўтказиладиган анъанавий «Халқаро бизнес уфқлари» мавзуида конференция бўлиб ўтди.

Уч кун давом этган мазкур анжуманда Ҳиндистоннинг турли вазирлик ва идоралари, йирик маҳаллий ва хорижий компаниялар вакиллари ҳамда Деҳлида аккредитациядан ўтган дипломатия корпусининг раҳбарлари иштирок этди.

Учрашув қатнашчилари замонамиз иқтисодий муносабатларида рўй бераётган ўзгаришлар, аҳамияти тобора ошиб бораётган халқаро ҳамкорликнинг истиқболлари билан боғлиқ масалалар юзасидан ўзаро фикр алмашдилар.

Анжуман доирасида мамлакатимизнинг Ҳиндистондаги элчихонаси томонидан «Ўзбекистон: 2006 йили ижтимоий-иқтисодий ривожланиш якунлари, 2007 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг муҳим устувор йўналишлари ҳамда Ҳиндистон билан ўзаро иқтисодий ва бизнес ҳамкорлигининг имкониятлари» мавзуига бағишланган тақдимот маросими ўтказилди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг мамлакатимиз Вазирлар Маҳкамасида 2006 йил ижтимоий-иқтисодий ривожланиши якунларига бағишлаб ўтказилган йиғилишдаги маърузасида кўтарилган долзарб масалалар тадбир иштирокчилари эътиборига ҳавола этилди.

Шунингдек, 2007 йил мамлакатимизда «Ижтимоий ҳимоя йили» деб эълон этилиши муносабати билан қабул қилинган давлат дастурида кўзда тутилган тадбирлар, Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллик ва Марғилон шаҳрининг 2000 йиллик юбилейи билан боғлиқ масалалар ҳам тақдимот иштирокчиларида катта қизиқиш уйғотди. Тадбир саволжавобларга бой бўлди.

Анжуман якунида Ўзбекистон Республикасининг Ҳиндистондаги элчихонаси Амити университети томонидан таъсис этилган олтин нишон ҳамда «Дипломатия муносабатлари ривожига қўшган ҳиссаси учун» ёрлиғи билан тақдирланди. Ёрлиқда Ўзбекистон элчихонасининг икки мамлакат ўртасидаги дипломатия муносабатларини мустаҳкамлаш ишига қўшаётган ҳиссаси учун миннатдорлик сўзлари ўз ифодасини топган. Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизнинг Деҳлидаги дипломатия ваколатхонаси ушбу мукофотга иккинчи маротаба сазовор бўлди.

Садриддин СУЯРОВ,
«Жаҳон» АА мухбири
Деҳли.

❖ **ЎзХДП ҳаёти**

ФАОЛЛИК, ТАШАББУСКОРЛИК ОРТМОҚДА

ЎзХДП Хоразм вилояти кенгаши пленуми кун тартибига қўйилган партия вилоят кенгаши Ижроия қўмитасининг 2006 йилги фаолияти, бюджет ижроси ҳамда 2007 йил бюджетининг асосий кўрсаткичлари ҳақидаги масала юзасидан маъруза қилган ЎзХДП вилоят кенгаши раиси Раимберган Сабуров ўтган йили партия ташкилоти электорат ичига янада чуқурроқ кириб бориш, одамлар дарди билан яшаш борасида ижобий ўзгаришларга эришганини қатор далиллар билан кўрсатиб ўтди.

Ҳақиқатан ҳам бир йил давомида партия сафлари 2200 кишига ўсган. Янги аъзоларнинг аксарияти ёшлар. Партия кенгашлари қошидаги Жамоатчилик қабулхоналари аҳоли ўртасида ўзига хос ишонч нуқтасига айланиб боряпти. Йил давомида қабулхоналарга 554 та мурожаат келиб тушган бўлса, уларнинг 69 фоизи ижобий ҳал қилинган. Фуқароларнинг мурожаатларини ҳал қилишда ҲДПдан сайланган депутатлар ва ЎзХДП аъзоси бўлган жойлардаги масъул раҳбарнинг ҳиссаси катта бўлди.

Партия қошидаги «Истиқбол» ёшлар қаноти аъзоларининг эндиликда вилоят ижтимоий-сиёсий ҳаётида фаол иштирок этишаётгани, улар ташаббуси билан «Ёш сиёсатшунослар клуби» ташкил қилинаётгани ҳам эътиборли ҳол.

Шунингдек, «Ҳомийлар ва шифокорлар йили»да партия ташкилотлари ташаббуси билан ҳомийлик ёрдамлари кўрсатилгани, «Ижтимоий ҳимоя йили»да бу саховатли ишни янгича босқичга кўтариш учун дастур ишлаб чиқилгани таъкидлаб ўтилди.

Музокараларда сўзга чиққан Хонқа шаҳридаги фуқаролар йиғини раиси, депутат Ў.Сабиров, Хива педагогика коллежи директори, депутат З.Қўчқоров, «Янгибозор кўзгуси» газетаси муҳаррири Ў.Яхшимуратов, Урганч давлат университети талабаси Ж.Жуманиёзов ва бошқалар партия вилоят ташкилотининг бир йиллик фаолиятига ижобий баҳо бериш билан бирга қатор таклиф ва истакларни ўртага ташлашди.

Пленум ишида ЎзХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари Баҳодир Норов иштирок этди ва сўзга чиқди.

Пленумда кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Рўзимбой ҲАСАН

❖ Наврўз нафаси

КЎКЛАМ НИЯТЛАРИ

ПАРКЕНТ ТУМАНИДА НАВРЎЗ УМУМХАЛҚ БАЙРАМИГА ҚИЗҒИН ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИЛМОҚДА

Ўлкамизга ажиб бир тароват билан баҳор кириб келди. Бу фасл ўз моҳиятига кўра тозариш, руҳий покланиш, борлиққа, бутун жонзотга янги ҳаёт нашидасини инъом этиш, қўйингки барча-барчани яратувчанлик ва яхшилик сари илҳомлантиришга ундовчи шукуҳли фаслдир.

Баҳорда она-табиат уйғонади, еру кўкда, жамики мавжудот вужудида оқаётган ҳаётбахш жилғалар жонланади, инсонлар қалбини бунёдкорлик, меҳру мурувват нурлари ёритади. Кексаларимиз бежиз илк кўклам кунларида нишона кўрсатган бойчечак, бинафша ва ялпизларни кўзига суртиб: «Етказганига шукр, буёғига яна бир йил умрим узаядиган бўлди», — дея шукрона айтишмайди. Ҳақиқатан ҳам, бу фаслнинг ҳар бир ҳузурбахш тонгида кишини яшашга чорлайдиган ўзгача бир руҳ, ҳарорат бор.

Баҳорнинг ҳар бир куни ғанимат, ҳар дақиқаси олтинга тенг, ҳар сонияси бутун йилга татийди. Бу кунларда дилларни ширин ташвишлар чулғаб олади, чор-атрофда жонланиш бошланади. Деҳқон даласига ошиқса, боғбон боғини парваришлашга киришади. Бутун қиш бўйи мудроқ босган кўнгилларда нимадир яратиш, ниҳол экиш, чор-атрофни тозалаш, обод этиш, гўзаллаштиришга иштиёқ пайдо бўлади.

Хабарингиз бор, куни кеча матбуотда Президентимизнинг **«Наврўз умумхалқ байрамини кенг нишонлаш тўғрисида»**ги Қарори эълон қилинди. Ушбу Қарорда **«Энг қадимий ва асл миллий қадриятларимиздан бири бўлмиш Наврўз мустақиллик йилларида юртимизда яшаётган барча миллат ва элатлар учун том маънодаги умумхалқ байрамига айланди. Наврўз руҳи ва фалсафаси одамзотни табиат билан уйғун яшашга, жамиятимизда меҳр-оқибат, дўстлик ва ўзаро ҳамжиҳатлик муҳитини янада мустаҳкамлашга хизмат қилиши билан айниқса эътиборлидир»**, дейилди. Шу билан бирга унда баҳорнинг илк байрами бўлмиш Наврўзи оламни кенг нишонлаш, уни маҳаллий иқлим ва табиий шароитдан келиб чиқиб, ҳар томонлама юксак даражада, ўюшқоқлик ва кўтаринки руҳда ўтказиш бўйича аниқ тавсиялар берилди.

Бугун ушбу қарорга ҳамоҳанг тарзда мамлакатимизнинг барча вилоятлари, туману қишлоқларида ободонлаштириш, кўкламзорлаштириш, қисқаси байрамни муносиб кутиб олиш мақсадида саъй-ҳаракатлар бошлаб юборилди.

— Юртимизда Наврўзга тайёргарлик ишлари халқимизнинг эзгу анъанасига айланди, — дейди Паркент туман «Маҳалла» жамғармаси раиси Дилмурод Нурматов. — Бизнинг туманимизда ҳам мутасаддилар, корхона ва ташкилотлар рахбарлари, оқсоқоллардан иборат ободонлаштириш бўйича махсус ишчи гуруҳи тузилди. Бу гуруҳ айни пайтда барча гўшаларни улуғ айём — Наврўзи оламга тайёрлаш бўйича зарур тадбирларни бошлаб юборди. Жумладан, қирқ минг тупдан зиёд мевали ва манзарали кўчатлар, беш минг тупга яқин арча экишни режалаштирдик. Шунингдек, ариқ-зовурларни тозалаш, кўча ва маҳаллаларни ободонлаштириш ишлари ҳам кўнгилдагидек амалга оширилмоқда.

Туманда байрам арафасида кам таъминланган оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, уларга зарур ёрдамлар кўрсатиш борасида ҳам ишлар олиб борилмоқда. Аввало, муҳтож оилаларни аниқлаб, уларга моддий-маънавий ёрдам кўрсатиш туман ҳокимлиги, қоларверса маҳаллалар томонидан изчил назорат қилинмоқда. Президент қароридан келиб чиқиб, 11-12 март кунлари ўтказиладиган умумхалқ хайрия ҳашаридан тушадиган бир кунлик иш ҳақи «Маҳалла» жамғармаси ҳисобига ўтказилиши режалаштирилган. Жамғарма эса ўз навбатида бу маблағни аҳолининг муҳтож қатламлари манфаатига йўналтиради. Шу маблағ ҳисобидан дастлаб иккита кам таъминланган оилага, умуман йил давомида эса 250 та шундай оилаларга сигир олиб бериш режалаштирилган. Жамғарма раисининг таъкидлашича, бу ишларда жойлардаги фуқаролар йиғинларининг ҳам ҳиссалари катта.

— Маҳалламиз аҳлининг кўпчилигини ёшлар ташкил қилади, — дейди «Паркент» қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Раҳим Сайфиев. — Биз ҳали баҳор келмаёқ атрофни ободонлаштириш, кўчаларни тозалаш, ариқ-зовурларни тартибга келтириш, чиқиндиларни олиб чиқиб ташлашни бошлаб юборганмиз. 200 дан зиёд арча, уч мингга яқин манзарали ва мевали кўчатлар экдик. Уч ярим километр масофадаги ариқлар тозаланди. Ҳудудимизда жойлашган корхоналар, мактаб ва боғчалар, касалхона, маданият уйлари, спорт мажмуаларида ҳам баҳор нафаси уфураётганини олиб борилаётган ҳашарлардан сезиш мумкин.

Дарҳақиқат, туманда наврўзолди ҳашарларини уюштиришда, айниқса мактаб ўқувчиларининг ҳиссаси катта эканлигини айтиб ўтиш жоиз. Улар ҳар бири ўзлари учун кўчат экмоқда. Мактаблар атрофига, йўлларга, ариқ ёқаларига гул ва манзарали кўчатлар ўтказишда ҳар бир мактаб жамоаси ташаббускор бўлмоқда.

Баҳор кунларида қариялардан, беморлардан, ҳимояга муҳтож кишилардан кўнгил сўралади. Маҳалларда сумалаклар қилиниб, кўни-кўшнига улашилади. Бундан ташқари, миллий удумларимиз асосида байрам сайллари, варрак учириш, арқон тортиш, кураш каби ўйинлар ўтказилади. Бу тантаналар эса байрамгача, байрамдан кейин ҳам давом этади.

— Баҳорда ҳаммадан кўра кўпроқ болаларимиз қувнайди, — дейди биз билан суҳбатда тумандаги 26-мактаб директори Бахтиёр Рўзматов. — Чунки бу фаслда уларнинг қалби шодликка тўлади, дилларда янги орзу-умидлар уйғонади. Ҳозирда мактабимиз Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури асосида капитал реконструкция қилинмоқда. Йилбоши байрами биз учун хайрли келди. Худо хоҳласа, янги ўқув мавсумини болаларимиз яп-янги мактабда бошлашади...

Бир сўз билан айтганда, Паркентда баҳор остонаси — Наврўзи олам арафасида ана шундай кўтаринки руҳ ҳукмрон. Ушбу қувончли айёмни ҳар бир гўшада, маҳалла ва гузарларда кутиб олишга катта ҳозирлик кўрилмоқда.

Жасур ҲУСАНОВ

ЎзХДП: ВОҚЕАЛАР, ХАБАРЛАР, ЯНГИЛИКЛАР

Янгиариқ туман кенгаши бошланғич партия ташкилотлари раислари, партия фаоллари ва электорат вакиллари иштирокида «Миллий ғоя ва Ўзбекистон Республикасининг миллий манфаатлари — Ўзбекистон ХДП сиёсий мафкурасининг пойдевори» мавзуида семинар ўқув ўтказди. Унда партия мафкуравий устуворликларини ЎзХДП электорати орасида кенг тарғиб қилиш каби масалалар юзасидан маърузалар тингланди. Шунингдек, миллий ғоя, миллий ва умумбашарий қадриятлар, миллатлараро тотувликни асрашга эътибор қаратиш ҳамда сўнгги вақтларда кенг тус олаётган ғоявий ва ахборот хуружлари, ундаги ғаразли мақсадларни фош қилиш, одамларни огоҳликка даъват этиш каби долзарб мавзуларда қизғин баҳс-мунозара юритилди.

Халқ депутатлари Қашқадарё вилоят Кенгашида ЎзХДП депутатлик гуруҳининг 2006 йилдаги иш режаси бажарилиши ҳамда 2007 йилдаги вазифалар муҳокамасига бағишланган йиғилиш ўтказилди. Унда қилинган ишлар сарҳисоби ҳамда келгуси вазифалар юзасидан депутатлар М.Нормуродов, Я.Иноятов, Э.Ражабов, А.Бозоров ахборот бердилар ва бу борада йиғилиш иштирокчиларининг фикр-мулоҳазалари тингланди. Йиғилишда халқ депутатлари вилоят Кенгашининг навбатдаги сессияси кун тартибига киритиладиган масалалар бўйича ЎзХДП депутатлик гуруҳи нуқтаи назари белгилаб олинди.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати

❖ Бошланғич партия ташкилотларида

МАФКУРА МАСАЛАЛАРИ ЎРГАНИЛМОҚДА

Партия аъзолари, электоратнинг фаоллиги ва сиёсий онгини ошириш, улар билан ишлашнинг самарали усулларини татбиқ этиш ҳамда партия мафкурасини кенг тарғиб қилиш мақсадида ЎзХДП Бектемир туман кенгаши сиёсий ва фуқаролик маърифати тизими доирасида семинарлар, давра суҳбатлари ўтказиб келмоқда.

Туман ҳудудий тиббиёт бирлашмаси қошида фаолият кўрсатаётган бошланғич партия ташкилотида «Миллий ғоя ва Ўзбекистон Республикаси миллий манфаатлари — ЎзХДП сиёсий мафкурасининг асоси» мавзуида семинар машғулот бўлиб ўтди. Унда ЎзХДП Бектемир туман кенгаши раиси Ҳабибулла Розиметов ва кенгаш масъул ходими Лола Ярашева мавзунинг мазмун-моҳияти ҳақида тўхталдилар.

Семинар иштирокчилари савол-жавоблар тарзида ўз фикрларини баён этдилар.

— Партиямизда йўлга қўйилган фуқаролик маърифати тизими амалий ишлари электорат билан мулоқотнинг энг самарали усулидир, — дейди катта ҳамшира, ЎзХДП аъзоси Муаззам Нурмуҳаммедова. — Масалан, бугунги машғулот давомида жуда кўп қизиқарли маълумотларни олдик. Айниқса, партиямиз электорати вакилларининг ўзаро бундай фикр алмашиб мулоқотга киришишлари уларнинг фаоллиги ошишига, ўз таклиф ва истакларини очиқ айта олишига хизмат қилади.

Машғулот якунида партияга қабул қилинган бир гуруҳ тиббиёт ходимларига аъзолик гувоҳномалари ва эсдалик совғалари топширилди.

Носир МАҲМУДОВ,
ЎзХДП Бектемир туман кенгаши раиси ўринбосари

Суратларда: *ЎзХДП аъзоларига гувоҳномалар топширилмоқда.*

«ҒАЙРАТ — 2000» АВТОМОБИЛСОЗЛАР ҲАМКОРИ

Марҳамат туманидаги «Ғайрат — 2000» фирмаси «UZ-DAEWOOAVTO» компаниясининг «UZ DONG VANG», «UZ-SAYEMYUNG» сингари қўшма корхоналари билан «Матиз», «Дамас», «Нексия» автомобиллари учун 17 турда бутловчи қисмлар тайёрлашда ҳамкорлик қила бошлади. Фирма жамоаси шу йилнинг дастлабки икки ойидаёқ уларга 22 миллион сўмликдан зиёд маҳсулот етказиб берди.

Кенг кўламдаги ишларни бажаришда Ойбек Турдиқулов, Дилшодбек Зулфиев, Азамат Орзиқулов, Абдукарим Алихонов, Воҳид Абдужабборов сингари тажрибали ишчилар фирма бошлиғи Ўткирбек Зулфиев раҳбарлигида катта изланишлар олиб боришаяпти. 15 кишидан иборат жамоада яна ўнта янги иш ўринлари яратилади.

Аҳмадилло СОЛИЕВ

ОРОМГОҲЛАР — ЭЛ ХИЗМАТИДА

Юртимизнинг энг хушманзара, баҳаво масканларидан бири — Бўстонлиқ туманида қатор оромгоҳлар аҳолига хизмат кўрсатмоқда

Айниқса, туманнинг Чимён — Чорвоқ қисмида қатор санаторий-профилакторийлар, дам олиш уйлари кўп. Ҳар йили минглаб юртдошларимиз бу оромгоҳларда ҳордиқ чиқариб, соғлигини тиклаб қайтишади. Шунингдек, бу жойлар алоҳида муҳофаза этиладиган ҳудудлар сирасига ҳам киради. Ўтган йиллар мобайнида мазкур хушманзара масканда Тошкент шаҳар ҳокимлиги «Чорвоқ» соғломлаштириш марказининг қатор биноларини қуриб фойдаланишга топширган бўлса, Бекободдаги «Ўзбекистон металлургия комбинати» акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмасининг «Металлург» оромгоҳи ҳам дам олувчилар ихтиёрига берилди. Ўзининг бетакрор табиати, иқлими билан барчани ром этувчи «Чорвоқ» сув омбори соҳилида қад ростлаган Олмалиқ металлургия комбинатига қарашли «Олтин олма» оромгоҳи ҳам бугун юртдошларимиз саломатлигини тиклаш ва кўнгилли ҳордиқ чиқаришлари учун хизмат қилмоқда.

Металлургларнинг ушбу маскани энг замонавий қурилишлар лойиҳаси асосида қисқа вақт мобайнида барпо этилди. Бу ерда дам олувчилар учун яратилган шароит ва кўрсатиладиган хизматлар жаҳон андазалари даражасида ташкил қилинди.

Оромгоҳдаги уч қаватли кўркам маданият маркази, қатор конференция заллари, ёзги меҳмонхона, соғломлаштириш мажмуаси, ёзги ва қишки чўмилиш ҳавзалари, сауна, кафе, барлар, қатор спорт майдончалари, болажонлар учун ажратилган алоҳида ўйингоҳлар дам олувчилар хизматида. Бу ерда нафақат Олмалиқ металлурглари, балки барча ўзбекистонликлар ҳам ҳордиқ олишлари мумкин.

Соҳибжон САЛИМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

ТУҒУРУҚХОНАГА СЕРТИФИКАТ

Сурхондарё вилоятининг Ангор туманида оналар ва болалар ўртасида учраб турадиган касалликларни тезкор даволаш, хусусан, оналар ва болалар ўлимини камайтириш юзасидан хайрли ишларни амалга оширмоқда.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти вакиллари яқинда Ангор туманида бўлишиб, шифохоналар ва қишлоқ врачлик пунктларидаги шароитлар билан танишдилар. Жаҳондаги нуфузли ташкилотнинг «Соғлом оила» лойиҳаси ташкилотчилари тавсияси билан Ангор тумани марказий шифохонаси туғуруқ бўлими таъмирдан чиқарилди. Бу ерда ҳомиладор аёллар ва чақалоқлар учун барча қулайликлар яратилди. Фарзандли бўлган оналар узоғи билан бир соатдан кейин чақалоқларини бағрига босиб, кўкрак сути беришади. Мутахассисларнинг фикрича, айнан ана шундай қулайлик чақалоқларнинг турли касалликларга чалинишининг олдини олади. Туғуруқ бўлимидаги мана шу қулайликлар инобатга олиниб, «Соғлом оила» лойиҳасининг «Болага дўстона муносабатда бўлаётган шифохона» сертификати берилди. Бундан руҳланган ангорлик тиббиёт ходимлари бор билим ва маҳоратларини аҳоли саломатлигини сақлашга қаратмоқдалар.

Абдурасул ЖУМАҚУЛ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Коинот сирлари

2036 ЙИЛ 13 АПРЕЛДА...

Маълумки, шу кунларда жаҳон оммавий ахборот воситалари, Интернет тармоқлари Апофис астероидининг Ер шарига солиши мумкин бўлган хавфи ҳақида ваҳимали ахборотлар тарқатмоқда, дунё астрономларининг фикрлари билан бойитилган тахминий-таҳлилий материаллар чоп этмоқда. Мазкур манбаларда қайд этилишича, ўлчами 300 метрдан катта, оғирлиги миллион тоннадан ортиқ бу астероид ҳозир соатига 75 минг километр тезликда Ерга қараб йўналиш олган ва 2036 йил 13 апрелда, яъни жума куни Ер билан тўқнашармиш. Ҳатто у Ер шарининг қайси нуқтасига тушишини-да ҳисоб-китоб қилиб чиқишибди, яъни Тинч океанининг бир чеккаси ҳамда Марказий Америка ва Атлантика океани қирғоғини ўз ичига олувчи ҳудуд астероиднинг тушиш нуқтаси экан. Агар у океанга тушса, айланаси 8 километр, чуқурлиги 2,7 километр ҳажмда «воронка» ҳосил қилиб, сув тўлқинларидан вужудга келган цунаминнинг баландлиги 20 метрга етаркан. Хўш, бундай шов-шувлар қанчалик асосли? Ҳақикатан ҳам шундай ҳодиса рўй берадими?

Бу каби саволларга жавоб топиш ва масалага ойдинлик киритиш мақсадида ЎзРФА Астрономия институтининг илмий ишлар бўйича директор ўринбосари, физика-математика фанлари номзоди Собит ИЛЁСОВга мурожаат этдик.

2

— Собит Пўлатович, аввало астероидлар ва уларнинг коинотда жойлашуви, ҳаракат орбиталари ва сайёрамизга хавф солиш даражаси қандайлиги ҳақида ахборот берсангиз.

— Астероид (юнонча «aster» — «юлдуз» ва «eidos» — «кўриниш») — «юлдузсимон» деган маънони англатади. У Қуёш атрофида асосан доиравий орбиталар бўйлаб ҳаракатланади. Фанда шу нарса аниқланганки, Марс (Миррих) ва Юпитер (Муштарий) сайёралари орбиталари оралиғида сон-саноқсиз майда осмон жисмлари — астероидлар мавжуд. Бу астероидлардан баъзиларининг орбитаси чўзинчоқ бўлиб, улар Қуёшга яқинлашганида Ер орбитасини кесиб ўтади. Ўз-ўзидан савол туғилади: астероидлар Ер билан тўқнашиши мумкинми? Аслида Ерга астероидлардан кўра улардан ҳам майдароқ осмон жисмлари — метеоритлар кўпроқ хавф солади.

Ўлчами 10 метрдан кам бўлган осмон жисми Ер атмосферасига кирганидан сўнг ўз тезлигини йўқотади ва ерга тушганда ҳам ўз ўлчамига тенг майдонга зарар етказиши мумкин. Агар метеоритнинг ўлчами 30-50 метр атрофида бўлса, катта зарар етказиши мумкин. У Тунгус метеорити каби атмосферанинг юқори қатламларида портлаши ёки Ергача етиб келиб, кратер ҳосил қилиши ва бир неча ўн, ҳаттоки юзлаб квадрат километр майдонга талафот етказиши мумкин. Метеоритнинг портлаш пайтдаги энергияси 10 мегатонна қувватга эга бўлган водород бомбасининг кучига етади. Бундай ҳодиса маҳаллий талафот, деб аталади. Ҳисоб-китобларга кўра, бундай талафотлар 100-200 йилда бир марта содир бўлиши мумкин.

Агар ўлчамлари бир неча юз метрдан 1,5 километргача бўлган осмон жисми Ерга қараб йўналиш олса, у атмосферада ўз тезлигини деярли йўқотмасдан Ер сиртига келиб урилади. Бундай метеоритнинг келиб урилишидан кўриладиган зарар кучли ер силкинишлари, вулқонларнинг портлашлари ёки чегараланган ядро урушлари натижасида кўриладиган талафотлар даражасида бўлиши мумкин. Агар бундай метеорит океанга тушадиган бўлса, даҳшатли тўлқин — цунамини ҳосил қилиши ва бу тўлқин қитъа ичига 100-200 километргача кириб бориши эҳтимолдан холи эмас.

3

❖ 2007 ЙИЛ — «Ижтимоий ҳимоя йили»

ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ: ХАЛҚАРО ТАЖРИБА

Ўзбекистонда бозор муносабатларига босқичма-босқич ўтиш даврида кучли ижтимоий ҳимоя бош тамойиллардан бири сифатида белгиланган. Истиқлолнинг дастлабки йиллариданоқ, ҳукуматимиз томонидан аҳоли барча қатламларини қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратиб келиняпти. Бинобарин, ҳар бир йилнинг ўзига хос номланиши, унинг мазмун-моҳияти инсон манфаатларини ҳимоялаш, соғлиқни сақлаш, аҳолини ижтимоий ҳимоялашдан иборатдир.

Ижтимоий ҳимоя масалаларига диққат-эътибор қаратилганлиги бу тизимнинг такомиллашуви ва ривожланишига замин бўлди.

Шуни алоҳида таъкидлашни истардикки, ижтимоий ҳимоя масаласида ҳам дунёда глобаллашув жараёни кетяпти. Айтмоқчимизки, ижтимоий ҳимоянинг халқаро тажрибаларини ўрганиш, ўзаро тажриба алмашиш учун ҳамкорлик қилишни тақозо этмоқда.

Маълумки, республикамизда ижтимоий ҳимоя соҳасида орттирилган тажриба халқаро экспертларда қизиқиш уйғотяпти. Шу муносабат билан Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий маркази, Германиянинг Фридрих Эберт номидаги жамғармаси Марказий Осиёдаги ваколатхонаси «Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази билан ҳамкорликда «Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш: Германия ва Ўзбекистон тажрибаси» мавзуида давра суҳбати ташкил этди.

Давра суҳбати қатнашчилари мамлакатимизда бозор муносабатлари чуқурлаша бориши билан ижтимоий ёрдам, унинг моҳияти ва тамойиллари ҳам аста-секин ўзгариб, такомиллашиб боришини алоҳида таъкидлаб ўтдилар. Шунингдек, ривожланган давлатларда ижтимоий ҳимоя масаласига ўзига хос ёндашув тажрибалари ҳақида тўхталдилар.

Фридрих Эберт номидаги жамғарманинг Марказий Осиёдаги ваколатхонаси раҳбари доктор Рамхат Крумм «Ижтимоий ҳимоя тизимига немисча ёндашиш» мавзуидаги маърузасида жумладан шундай деди:

— Мен бир нарсага амин бўлдим. Ўзбекистонда кучли ижтимоий ҳимоя қобиғи мавжуд. Бу — халқингизга хос менталитет билан боғлиқ. Халқ давлат билан муштарак, қадимий, миллий қадриятларингизда биродарлик, бағрикенглик, меҳр-мурувватлилик, ғамхўрлик каби фазилатлар устувор экан. Одамлар ниҳоятда бир-бирига ғамхўр, айниқса, етимлар, қариялар, ногиронларга холис ёрдам кўрсатилар экан. Очиғи, мен бундай бир-бирига мурувватли одамларни энди кўришим. Ўзбек халқининг ўзаро бирдамлигини маҳаллада яққол кўрдим. Мен Ўзбекистонда маҳалла академиясининг минг йиллик тарихи билан қизиқдим, ўрганяпман, ижтимоий ҳимоя ўчоғи маҳалла экан.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон миллий маркази директори, профессор Акмал Саидов «Аҳолини ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоя қилиниши: Ўзбекистон тажрибаси» мавзуида маъруза қилди.

— Биздаги ижтимоий ҳимоя Германияникидан фарқ қилади, — деди у. — Аввало, бизнинг демографик менталитетимиз бутунлай бошқача. Аҳолимизнинг 60 фоизини 20-25 ёшдагилар ташкил этади, 130 дан ортиқ миллат истиқомат қилади. Биродарлик, меҳр-мурувватлилик халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган. Ўзбекистон бугун ижтимоий-ҳуқуқий давлат қуриш учун интилмоқда ва ижтимоий-иқтисодий ривожланиш йўлидан боряпти. Республикамизда ижтимоий ҳимоя мамлакат сиёсатида бош тамойил, устувор йўналиш ҳисобланади. Бозор иқтисодиётига ўтиши боис, ҳаётимизга кириб келаётган ўзгаришлар ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларга ўзгартишлар киритди, янги қонунлар қабул қилинди...

Давр ўзгариб, ривожланиб боряпти. Демакки, бошқа жабҳалардаги каби ижтимоий ҳимоя соҳасида ҳам халқаро ҳамкорликлар, тажриба ўрганиш ўзгаларга ўргатиш замон талабига айланиб боряпти.

Саида САЙХУН

ПРЕЗИДЕНТЛИККА НОМЗОДИ КЎРСАТИЛДИ

Россия президенти Владимир Путин Чеченистон парламентига республика бош вазири Рамзан Қодиров номзодини кўриб чиқишни таклиф этди. ИТАР-ТАСС хабар беришича, парламент депутатлари Путин таклифини кўриб чиқиб, қарор қабул қилишлари керак.

Россия қонунчилигига кўра, федерация субъектлари раҳбарлари маҳаллий парламент қўллаб-қувватлови остида Россия президенти томонидан тайинланади.

Жанубий федерал округи бўйича ваколатли раис Дмитрий Козак уч номзодни президент Путинга тавсия этган эди. Улар бош вазир Рамзан Қодиров, «Справедливая Россия» партиясининг ҳудудий бўлими етакчиси Муслим Хучиев ва Грозний тумани раҳбари Шаид Жамалдаевлар эди. Рамзан Қодиров номзодини «Единой России» партияси етакчиси Борис Грызлов ҳам қўллаб-қувватлашини билдирди. Негаки, Қодиров бу партиянинг ҳудудий бўлимини бошқаради.

Қодиров 2006 йил мартдан Чеченистон бош вазири лавозимида ишлаб келган. Аввал бош вазир ўринбосари бўлган.

Эслатиб ўтамиз: 15 февраль куни Путин Чеченистон президенти Алу Алхановнинг истеъфо сўраб ёзган аризасига имзо қўйиб, унинг ўрнига Рамзан Қодировни президент вазифасини вақтинча бажарувчи этиб тайинлаган.

РЕСПУБЛИКА ФУҚАРОЛИГИНИ ОЛМАГАНЛАРГА ҚИЙИН

Латвия парламенти «Европа Иттифоқида доимий яшовчилар мақоми тўғрисида»ги қонунга киритилаётган ўзгартишлар ва қўшимчаларни рад этди.

Ушбу ўзгартишлар киритилган янги лойиҳа овозга қўйилгач, унга қарши 64 депутат овоз берди, 18 нафаригина янги лойиҳани қўллаб-қувватлади холос.

«Ягона Латвияда инсон ҳуқуқлари учун» уюшмаси томонидан ишлаб чиқилган мазкур қонуннинг ўзгартишлар киритилган лойиҳасида республика фуқароси бўлмаган шахслар олдида турган тўсиқлар олиб ташланган, уларга енгилликлар берилган эди. Яъни, республикада неча йиллардан бери яшаётган, лекин республика фуқаролигини олмаган шахсларни давлат божи тўлашдан, латиш тили бўйича имтиҳон топшириш ва шахснинг республикада қонуний яшаётганлигини исботлаш учун ҳужжатлар йиғишдан озод қилинган эди.

«Европа Иттифоқида доимий яшовчилар мақоми тўғрисида»ги қонун 2006 йил июнда қабул қилинган. Ушбу мақомга эга бўлган латиш фуқаролари ишга жойлашиш ва ижтимоий ҳимояланиш ҳуқуқига эга бўладилар. Республикада яшаб туриб ҳали фуқаролигини олмаган шахсларга эса бундай имтиёзлар берилмайди.

Дарвоқе, 2006 йил майда республика президенти Вайра Вике-Фрейберг ушбу қонунни қайта кўриб чиқиш учун парламентга қайтарган эди. Ушанда у фуқаролиги бўлмаган шахсларга енгилликлар берилишини таклиф этган эди. Бироқ депутатлар президент таклифини инобатга олмай ва қонунни шу туришда қабул қилганлар, дейилади «DELFI» нашри ахборотида.

ДАСТУР ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНДИ

Маълумки, Романо Проди етакчилигидаги Италия ҳукуматининг ташқи сиёсат борасидаги дастури, аниқроғи, резолюцияси мамлакат парламентининг юқори палатасида қўллаб-қувватланмагани боис 21 февралда бош вазир истеъфога чиқишга мажбур бўлган эди.

Бироқ Италия президенти Жорж Наполитано парламентнинг иккала палатасида ҳам Продига ишонч ёки ишончсизлик билдириш масаласини қўйиш учун унинг истеъфосини қабул қилмади.

Парламентнинг қуйи палатасида «левоцентристлар» кўпчиликни ташкил этгани боис муаммо осон ҳал этилди, аммо Сенатда анча қийин бўлди, икки депутатни Проди учун овоз беришга кўндиришга тўғри келди.

Шундай қилиб, Продига ишонч билдирилгач, унинг ташқи сиёсат бўйича ҳукумат дастури яна парламент муҳокамасига қўйилди. Сенатда 162 нафар сенатор дастурни қўллаб-қувватлаб овоз берди (қонун бўйича 160 та овоз етарли ҳисобланади). Резолюциянинг қўллаб-қувватланиши эса бевосита Продининг бош вазирлик мандати узайишига олиб келди.

ҚАРИНДОШЛАР УЧРАШИШАДИ

Жанубий Корея ва Шимолий Корея вазирлари иштирокида ўтказилган музокарада шу йил май ойида икки мамлакатда яшовчи қариндошлар учрашувини ташкил этиш масаласи муҳокама этилди.

«Киодо-цусин» ахборот маҳкамаси хабар беришича, ҳозир икки Корея давлатининг иқтисодий ҳамкорлигини ривожлантириш бўйича қўмиталари вакиллари мулоқотини бошлаш масаласи кун тартибида турибди. Ушбу мулоқот доирасида расмий Пхеньян расмий Сеулдан инсонпарварлик ёрдамлари кўрсатишни тезроқ қайта бошлашга даъват этишни режаламоқда. Бироқ Сеул КҲДРнинг ядро дастури бўйича шу йил февраль бошларида Пекинда бўлиб ўтган олти томонлама музокараларда илгари сурилган талаблар бажарилгачгина, яъни 60 кунлик муддат тугугаганидан сўнг апрель ўрталарида бу масалани муҳокама этишга тайёрлигини билдирди.

Маълумки, аввал Жанубий Корея Шимолий Кореяга йилига 500 минг тонна шоли, 450 минг тонна ўғит етказиб берарди. 2006 йил 5 июлда КҲДР, яъни Шимолий Корея баллистик ракета синовларини амалга оширгач, икки томонлама алоқалар тўхтаб қолди.

КАПТАРЛАР МАСОФАДАН ТУРИБ БОШҚАРИЛАДИ

Хитойлик олимлар ўзлари яратган янги технология ҳақида маълумот тарқатдилар. Яъни улар каптар миясига «микроэлектродлар» ўрнатиб, уни синовдан ўтказишга муваффақ бўлдилар.

«The Register» нашри хабар беришича, Шандун музофотидаги Фан ва технологиялар университети олимлари ўзлари яратган технология бўйича каптарга ўнгга, чапга, юқорига ёки пастга учиш ҳақида масофадан буйруқ бериб, бошқардилар. Каптар олимлар буйруғига кўра парвоз этди.

Ушбу илмий лойиҳа муаллифи Су Хуэчэн бундай тажриба дунё бўйича илк бор муваффақиятли амалга оширилгани ҳақида баёнот берди.

Тажриба фақат каптарлар устидагина амалга оширилмади, 2005 йили сичқонлар устида ҳам шу сингари тажрибалар ўтказилган. Бу синов ҳам самарали якунланган.

Энди бу тажрибани амалиётга жорий этиш қолди холос. Фақат каптарлар масофадан туриб нима мақсадда бошқарилади, бу ҳақда олимлар ҳеч нарса дейишмаяпти.

«НЕГР» СЎЗИНИ ИШЛАТИШ ТАҚИҚЛАНДИ

Нью-Йорк муниципалитети «негр» сўзи муомалада ишлатилишини шаҳар аҳолисига тақиқлаб қўйди.

Аммо бу тақиқловни бузганларга чоралар кўриш борасида ҳозирча ҳеч гап йўқ. Бу тақиқлов асосан комикларга ва кўчаларда камситиб гапирувчи «крутой»ларга тааллуқли.

Муниципалитет қабул қилган ҳужжатда қайд этилишича, «негр» сўзини илк даъфа 1786 йили балиқчилар африкалик қулларга нисбатан атама сифатида қўллашган. Тақиқлов тарафдорларининг айтишларича, «негр» сўзи иррқа нисбатан ёки бошқа мақсадда ишлатилишидан қатъи назар у ҳақоратли сўздир.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ, ВИЛОЯТЛАРДАГИ БАРЧА КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖЛАРИ БОШҚАРМАЛАРИ, АРХИТЕКТУРА ВА ҚУРИЛИШ БОШҚАРМАЛАРИ, ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ, КОРПОРАЦИЯЛАР, БАНКЛАР, ҚЎШМА ВА ХУСУСИЙ КОРХОНАЛАР РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА

МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ САМАРҚАНД ДАВЛАТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ РЕКТОРАТИ

2006-2007 ўқув йилида давлат гранти ва тўлов-контракт асосида битирувчи бакалавр ва магистрларни йўлланмалар асосида ишга тақсимлашга киришганлигини маълум қилади. Институт бакалавр ва магистрлари бой назарий билимлардан ташқари, замонавий инновацион ахборот технологиялари билан яқиндан таниш бўлиб, ҳар жиҳатдан рақобатбардош ва замон талабларига жавоб берувчи мутахассислардир. Бугунги кун талабларига жавоб бера оладиган бакалавр ва магистрларга эҳтиёжи мавжуд бўлган корхона раҳбарлари талабнома ва сўров хати билан институтга мурожаат этишлари мумкин. Талабнома билан мазкур муассасада ишга таклиф қилинаётган ёш мутахассисларга яратиб бериш мумкин бўлган имкониятлар ҳақида, шунингдек қўшимча таклифлар тўғрисида институт ректоратига 2007 йилнинг 30 март кунига қадар мурожаат қилишингиз сўралади.

Сизнинг эътиборингизга таълим йўналишлари бўйича битирувчилар ҳақидаги қуйидаги маълумотларни илова қиламиз. Умумий маълумотлар учун телефон: 8-366-237-12-77, институт Маркетинг хизмати бўлими.

Манзилимиз: 703047 Самарқанд шаҳри, Лолазор кўчаси, 70-уй.

Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институтини 2006-2007 ўқув йилида битирувчи бакалаврлар тўғрисида маълумот.

т/р	Шифр	Таълим йўналишлари номи	Жами битирувчилар сони	Шу жумладан, вилоят бўйича битирувчилар сони											
				Қорақалпоғистон Республикаси	Хоразм	Бухоро	Навоий	Самарқанд	Қашқадарё	Сурхондарё	Жиззах	Сирдарё	Тошкент	Фарғона	Андижон
1	5140900	Касбий таълим (қурилиш)	14					12	2						
2	5140900	Касбий таълим (санъатшунослик)	20					17	1	2					
3	5140900	Касбий таълим (муҳандислик коммуникациялари қурилиши)	5					4			1				
4	5210900	Дизайн	11					10			1				
5	5340200	Менежмент (соҳалар бўйича)	31				2	25	1		1	1	1		
6	5521100	Ер усти транспорт тизимлари	33	1		1	4	20	1	4	1				1
7	5540100	Геодезия, картография ва кадастр	13		1		3	7	1						1
8	5520600	Машинасозлик технологияси, жиҳозлари ва автоматлаштириш	6					4	1	1					
9	5580100	Архитектура	19			1	2	13	1	2					
10	5580200	Бино ва иншоотлар қурилиши	30	2	1		2	15	1	8		1			
11	5580400	Муҳандислик коммуникациялари қурилиши	23				4	12	4	1	1			1	
12	5580500	Қурилиш и.ч. технологияси	10				3	6	1						
13	5620700	Ер тузиш ва ер кадастри	11					7	2	1	1				
14	5850100	Атроф-муҳит муҳофазаси	14				1	9	3	1					
15	5860100	Ҳаётий фаолият хавфсизлиги	19				4	11	2	1	1				
		Жами	259	3	2	2	25	172	21	21	7	2	1	1	2

Борди-ю, метеорит қуруқликка тушса, вайрона ва ёнғин миллионлаб квадрат километр майдонни (ҳаттоки бутун бир қитъани) ўз домига тортиши мумкин. Бундай талофотга регионал талафот дейилиб, у 10 минг — 100 минг йилда битта содир бўлиши мумкин. Ўлчами 1,5 километрдан ортиқ бўлган астероиднинг Ер билан тўқнашишидан келадиган талафот эса бутун сайёрамизни қамраб олиши ҳисоб-китоб қилинган. Бундай глобал талафот 100 минг — 1 миллион йилда бир марта юз бериши мумкин.

— Тарихда астероидлар ва метеоритларнинг Ер билан тўқнашуви юз берганми? Манбаларда ўқиганмизки, сайёрамиздаги улкан кратерлар айнан шу тўқнашувлар натижаси. Шу ҳақда ҳам...

— Сайёрамиздаги геологик ва атмосфера жараёнлари узоқ ўтмишда тушган астероидларнинг излари — кратерларни йўқ қилиб юборган. Шунга қарамасдан, сайёрамиз сиртида ўлчамлари 200 километргача бўлган 140 та кратер сақланиб қолган. Улардан энг каттаси Юкатан ярим ороли яқинида бўлиб, унинг айланаси 2000 километрга боради. Ҳозирги пайтда унинг ўрнини Мексика қўлтиғи эгаллаган. У тахминан 48 миллион йил аввал диаметри 10 километрга яқин осмон жисмининг Ерга урилишидан ҳосил бўлган.

1908 йилнинг 30 июнида Сибирнинг Подкаменная Тунгуска дарёси яқинида диаметри 60-80 метр келадиган метеоритнинг портлаши юз берган. Бу воқеа тарихга Тунгус метеорити номи билан кирди. Ҳисоб-китобларга қараганда, портлаш қуввати 10 дан 100 мегатоннагача борган. Портлаш пайтидаги зарб тўлқини 2000 квадрат километр майдондаги ўрмонни қулатган. Тайгада икки йилгача ёнғинлар келтириб чиқарган.

1930 йил бундай фалокат Бразилиянинг жануби-ғарбида жойлашган чангалзорларда юз берди. Ушанда учта кучли портлашнинг қуввати бир мегатоннага етди, оқибатда маҳаллий аҳолининг кўпчилиги қурбон бўлди.

1947 йилда Россиянинг Сихоте-Алинь тоғларига темир метеорит тушган. Диаметри 3 метр келадиган метеоритнинг парчаланиши натижасида унинг бўлаклари тахминан 5 — 20 километр майдонда, ўлчамлари 0,6 — 2,8 метр келадиган

юзлаб «воронка»ларни ҳосил қилган.



1972 йил 10 августда диаметри 80 метр, массаси бир миллион тонна келадиган астероид 15 км/сек. тезлик билан Ер атмосферасига кириб, АҚШнинг Юта штати устидан учиб ўтган. Бу астероиднинг траекторияси бахтли тасодиф туфайли Ер сиртига параллел бўлиб, у 1500 километр масофада Ерга яқин жойдан ўтиб, кейин очиқ коинотга чиқиб кетган.

— Улар орасида яхши ўрганилганлари ҳам борми?

— Ҳа, энг яхши ўрганилгани 1992 йилнинг 9 октябрида кечқурун соат 8 ларда АҚШнинг Пикскелле (Нью-Йорк штати) шаҳрига тушган метеоритдир. Ўша куни болалар байрами эди ва кўчада видеокамера кўтарган кишилар кўп бўлгани боис олимлар болиднинг (метеорит Ер атмосферасининг юқори қатламларида ҳавонинг қаршилигига учраши натижасида қаттиқ қизийди ва оловли шар — болид шаклида кўринади) турли хил нуқталаридан олинган 6 та видеотасвирга эга бўлишади. Болид ғарбдан шарққа қараб учиб ўтади ва уни Огайо ҳамда Пенсилвания штатларида кўришади, ғарбий Виржиния штатида эса футбол ишқибозлари томонидан видеотасвирга олинади. Бу тасвирлар ёрдамида осмондан тушган тошнинг орбитаси аниқланади. 70 та бўлакка бўлинган ушбу метеоритнинг атиги битта парчаси Ергача етиб келган.

Қизиғи шундаки, у бир уй олдида турган автомашинанинг юкхонасига тушади. Эгаси мисс Мичелле Кнани ташқаридаги шовқинга югуриб чиққанида машина дабдала бўлган эди. Юкхонада каттагина тош ётарди. У дарҳол университетга сим қоқди ва тез орада олимлар етиб келишади. Жисмнинг оғирлиги 12,3 килолик тош босади.

Одатда АҚШда метеорит топган одамга топилманинг ҳар

грамми учун 1 доллардан ҳақ тўланади, лекин мисс Кнанига омад кулиб боқди, у топиб олган «тош» нақд 70 минг долларга баҳоланди.

— Осмон жисмларининг Ерга тушиши ҳақидаги қадимий ёзма манбалар ҳақида ҳам маълумот берсангиз.

— Бу борадаги энг қадимги манба эрамиздан аввалги 654 йилда ёзилган хитой қўлёзмаларидир. Лекин метеоритлар ундан кўп асрлар олдин ҳам маълум бўлган. Темир метеоритлар темирдан ясалган дастлабки қурол-яроғлар учун хомашё вазифасини ўтаган, кўп холларда турли хил афсоналар ва ақидаларнинг яратилишига асос бўлган. Рим тарихчиси Тит Ливийнинг гувоҳлик беришича, эрамиздан 200 йилча аввал осмондан темир метеорит тушган. Бу метеорит узоқ муддат коҳинлар ўртасида сиғиниш маъбудаси бўлиб келган. Сўнгра бу тош Римга олиб келинган ва яна 500 йил давомида саждагоҳ вазифасини ўтаган.

— Замонавий кинематографиянинг метеоритлар ёғдуси ҳақидаги фильмларида ҳақиқат нечоғли тўғри акс этган?

— Маълумки, ғарб киночилари «Метеорит», «Армагедда» каби бир қатор қўрқинчли фильмлар яратишган. Кинематографчиларнинг асосий мақсади фақат пул ишлашга қаратилган. Бу фильмларда самовий фалокатнинг бўлиши муқаррарлиги башорат қилинади. Бундан ташқари, одамларни самовий тошлар билан қўрқитиш борасида «кўнгилочар» газета-журналларнинг ҳам ҳиссаси катта бўлаяпти.

— Лекин самовий офат ҳеч қачон юз бермайди, деб бехавотир бўлиш ҳам бугунги интеллектуал ривожланган авлод вакилларига ярашмаса керак.

— Тўғри. Шундай экан, бугунги кунда самовий «дайди тошлар» — астероидлар ва метеоритлар туфайли юз бериши мумкин бўлган офатларнинг олдини олишга қаратилган талайгина дастурлар амалга оширилаяпти.

●●●

Азиз газетхон, Собит Пўлатович, бу гапларни фактлар билан «мих»лаш учун кўпгина мисолларни «қалаштириб» ташлади. Келинг, яхшиси бу ҳақда келгуси сонлардан бирида тўхталамиз.

«Ўзбекистон овози» мухбири Алимқул СУЛТОНОВ суҳбатлашди.

❖ Спорт

ЎЗБЕКИСТОН — ПОЛВОНЛАР ЮРТИ

Пойтахтимизда эркин ва юнон-рум кураши бўйича ўтказилаётган Golden Grand Prix туркумидаги «Ўзбекистон мустақиллик кубоги» халқаро турнири ҳам буни исботламоқда. Ҳозиргача якунланган беллашувларда юнон-рум кураши усталари Дилшод Орипов (60 кг.) олтин, Элбек Тожиев (55 кг.), Равшан Рўзиқулов (66 кг.), Александр Доктуришивили (74 кг.) ҳамда Давид Солдатзе (120 кг.)лар бронза медалларига сазовор бўлишди. Эркин курашчимиз икки карра жаҳон чемпиони Дилшод Мансуров (55 кг.) ўз вазн тоифасида олтин медаль билан тақдирланди.





Соврин жамғармаси 110 минг АҚШ долларини ташкил қилувчи ушбу мусобақада Жанубий Корея, Россия, АҚШ, Грузия, Белорусь, Қозоғистон, Ҳиндистон, Озарбайжон, Арманистон сингари йирик давлатдан ташриф буюрган курашчилар етти вазн тоифасида гиламга чиқишмоқда.

Турнирнинг дастлабки икки кунида юнон-рум кураши усталари майдонга тушдилар. Беллашувлар олдидан мутахассислар ёшлар ўртасида Осиё чемпионати совриндори Элбек Тожиев (55 кг.), XV Осиё ўйинлари кумуш медали соҳиби Равшан Рўзиқулов (66 кг.), Афина олимпиадаси чемпиони Александр Доктуришивили (74 кг.)лардан олтин медаль кутишаётганди. Бироқ, ҳамюртларимизга бироз омад етишмади. Учала спортчимиз ҳам бронза медали билан кифояланишди. Шунингдек, яна бир вакилимиз Давид Солдатзе (120 кг.) ҳам шоҳсупанинг учинчи поғонасидан жой олди.

— Мусобақанинг ташкилий ишлари аъло даражада йўлга қўйилган, — дейди турнирнинг фахрий меҳмони россиялик етти карра жаҳон ва уч карра Олимпия чемпиони Александр Медвед. — Юртингизда уюштирилаётган бундай йирик турнирлар Ўзбекистонда иқтидорли курашчилар улғайишига мустаҳкам пойдевор яратишига шубҳа йўқ. Чунки, ўтаётган беллашувларда нафақат номдор курашчилар, балки жуда кўп умидли ёшларнинг ўз маҳоратларини намойиш этишлари учун катта имкониятлар яратилмоқда. Масалан, Элдор Ҳафизов (55 кг.)ни ана шундай иқтидорли ёшлар сирасига киритган бўлардим. Гарчи, у бронза медали учун курашда озарбайжонлик тажрибали Жавид Абдуллаевдан енгилган бўлса-да, менда илиқ таассурот қолдирди. Қисқача айтганда, Ўзбекистон чин маънода полвонлар юрти. Тошкентда ўтаётган бу каби юксак савиядаги турнирлар эса келгусида юртингизда жаҳон чемпионатларини уюштиришга замин яратади, деб ўйлайман.

Ёшлар ўртасида жаҳон чемпиони, қатор йирик халқаро турнирлар ғолиби Дилшод Орипов(60 кг.)нинг кейинги йилларда бироз омади чопмаётган эди. Бундан салкам икки ой муқаддам Туркияда ўтган халқаро мусобақадан совриндор бўлиб қайтган иқтидорли курашчимиз Тошкентда ҳам ўзини кўрсатди. Дастлабки босқичларда Тожикистон, Украина ҳамда Грузия вакилларини енгган Дилшод ҳал қилувчи учрашувда озарбайжонлик Европа чемпионати совриндори Фауд Алиевга қарши гиламга чиқди. Унда ҳамюртимиз катта устунлик билан рақибини мағлубиятга учратди.

Бугун эркин кураш усталари беллашувларни давом эттиришади.

Ҳамюртларимиз 60, 66, 74, 84, 96 ва 120 кг. вазн тоифалари бўйича бўладиган беллашувларда ҳам ўз маҳоратларини намойиш этадилар.

Эркин ХОЛБОБО,
«Ўзбекистон овози» муҳбири

Суратларда: *турнир ғолиби Дилшод Орипов; Александр Доктуришивили (чапда) беллашув пайтида.*

Абдувоси ҲАЙДАРОВ олган суратлар

❖ Баҳс-мунозара учун мавзу

ЗАМОНАВИЙЛИК БЕЛГИСИМИ ЁКИ...

«Юртим сулувлари, сизга йўқ тараф,
Қошингизда ўсма юрса сирғалаб,
Узун сочингизни ўрсангиз тараб,
Боқса деган эдим ой ҳам суқланиб!»

Бу шеърни битганда севимли шоиримиз Муҳаммад Юсуф балки ўзбек қизларининг узун сочларини, қоп-қора қош-кўзларини, эгнидаги атласу бошидаги дўпписини бутун миллатимиз ор-номуси сифатида мадҳ этмоқчи бўлгандир. Балки у бу гўзаллик қаршисида лол қолиб, қизларимизнинг хусну жамолига ой ҳам маҳлиё бўлишига бошқаларни ишонтирмоқчи бўлгандир. Дарҳақиқат, лобар, мунис қизларимизнинг гўзаллик бобидаги таърифлари ҳар қанча мақтовларга арзийди.

Аслида ҳар бир аёл ўзига хос хуснга, жозибага эга, мехру карамга сазовор зотдир. Бироқ бу гўзаллик ибтидоси ўз хуснидан ҳеч қачон кўнгли тўлган эмас. Ҳадиси шарифда ҳам «Онангни отангга бепардоз кўрсатма», дейилган. Лекин пардоз билан ўзига меъёрида оро беришнинг фарқи бор. Назаримда, юз-кўзимизга зеб, сочимизга кўрк бераман деб баъзан чегарадан чиқиб кетаётганга ўхшаймиз. Бундай хатти-ҳаракатлар қизларимизга чирой бағишламайди, балки бир сўз билан ифодалаш қийин бўлган, қандайдир киши ғашини келтирадиган, ярашмаган кўриниш беради.

Кўча-кўйда, айниқса, таълим даргоҳларида бугунги баъзи «замонавий» ўзбек қизларининг юриш-туриши, кийиниши, бошқача айтганда имижини кўриб хижолат тортасан киши. Беихтиёр оғир ўйга толасан... Гўзаллик деб нималар қилмаяпмиз ўзи? Бизни ёмон кўзлардан асраб турувчи, хусн ва латофат берувчи узун сочимизни гоҳида эркакларникидан ҳам калта қилиб қирқишни замонавийликка йўямиз. Гўзаллик деб табиий қора сочларимизни сап-сариқ қоқи ўтдек аҳволга солиб, светафор сингари бўяшни ҳам илғор «маданият» деб биламиз. Аслида бу ғарбона мода деганларига кўр-кўрона эргашиб, унинг қулига айланиб қолаётганимизни англамаймиз.

Қолаверса, бўёқни ҳам инсон ўз ташқи кўринишига, дидига, сочининг хилига қараб танламоғи лозим эмасми? Бу ўта нозик масалага кўпчилик қизларимиз жиддий эътибор беришмаяпти чоғимда. Аксинча, ярашса-ярашмаса сариқ рангга бўяб, шунга мос кийимларни кийиб, ўзини бошқалардан ажратиб кўрсатишга ҳаракат қиламиз. Бу ниманинг белгиси? Маданиятлиликми, манманликми, фаросатсизликми, енгилтакликми, ўзини бозорга солишликми?.. Бундай эътиборсизлик, қўполроқ айтганда дидсизлик бошқаларнинг ғашига тегиши кўпда хаёлимизга ҳам келмайди.

Бу масаланинг бир томони. Бизнинг назаримизда, унинг бошқа томони ҳам бор. Қизларимиз сочига жозиба бераётган бўёқлар таркибида турли хил зарарли кимёвий унсурларнинг борлигини кўпчилигимиз яхши биламиз. Мутахассис маслаҳатисиз ишлатилган бўёқнинг тўғри келмаслиги сабаб, баъзан у соч тўкилишига ёки тусини йўқотишига олиб келиши мумкинлигини ҳам кўп эшитганмиз. Бундан ташқари, асаб тизимига салбий таъсир этиши, ҳатто турли касалликларни ҳам келтириб чиқариши мумкинлиги ҳақида матбуотда ўқиганмиз. Савол туғилади: хўш, унда нега айрим қизларимиз бунга эътибор беришмаяпти?

Балки кимдир бу масалага «биз ҳам маданият бобида жаҳонга юз тутишимиз керак», дея эътироз билдириши мумкин. Лекин бир мушоҳада қилиб кўрайлик, аждодларимиз қачон бошқа халқларга тақлид қилган, ўзгаларнинг одатига, тутумига қачон кўр-кўрона эргашган? Қадим-қадимдан юртимиз қизлари «шарқ гўзали», «шарқ маликаси» дея ҳавас билан эътироф этилиб келинган-ку. Гўзаллигимиз қорасоч, қора кўзларимиз, миллий кийимларимиз эди-ку...

Бугун бизга нима бўлди? Нега ўзлигимизни улуғлаш ўрнига ўзгалар кетидан югуриб юрибмиз?

Тўғри, замонга қараб, иқлимга қараб кийиниш, янги, қулай кийим-кечаклардан фойдаланиш керак. Аммо, ҳамма нарсанинг меъёри бўлиши лозим.

Биз биламизки, азал-азалдан ота-боболаримиз аёл зотининг кийиниши, юриш-туриши-ю ўзини тутишига қараб унинг тарбиясига, иффат-ҳаёсига, қандай оила фарзанди эканлигига баҳо беришган, хулоса чиқаришган. Шу боис бу хислатлар оилада тарбияланаётган ҳар бир қиз бола учун қатъий тартибга айланган. Тарихий асарларимизда ҳам аёлнинг сиймоси, латофати беқиёс қилиб таърифланганки, ўзбек аёли тимсолида Моҳларойим ва Кумушбибилар гавдаланади. Шундай экан, бугунги ўзбек қизлари ўзлигини йўқотмаган ҳолда гўзаллик сари интилсалар нур устига аъло нур бўлур эди. Зеро, замонамиз аёллари ҳақида келажак авлодлар кумушбибилар тимсолидаги минглаб оқила қизларимизнинг сиймоларини битсин.

Булар менинг шахсий мулоҳазаларим. Қайсидир фикрим кимгадир маъқул тушмаслиги мумкин. Майли, бошқа тенгдошларим, опаларимиз, оналаримиз ҳам ўз муносабатларини билдиришсин. Ҳақиқат баҳсларда туғилади, дейишадику.

Холида ҚОДИРОВА,
ЎзМУ талабаси

❖ Шукроналик

БИР БУРДА НОН ҚАДРИ

Одам боласи фақат нон деб ҳаёт кечирмайди. Бу тушунча, айниқса, мустақиллик туфайли жамиятимиз эркинликка эришган, маънавий қадриятлар юксак даражаларга кўтарилаётган ҳозирги замонамизда ўзига хос мазмун касб этмоқда.

Баъзан фарзандларнинг баркамол ўсиши учун шарт-шароит яратиш асосида «Биз қийинчилик кўрдик, болаларимиз кўрмасин» деган истакни эшитиб қоламиз. Бу ниятда миллатимизнинг беқиёс табиати, бағрикенглиги мужассам. Лекин ана шу меҳрибончилигимиз паноҳида ёшларимиз бир бурда нон қандай яралаётганини ҳамиша ҳам англаб етишяптими?

Ҳаёт фалсафаси шундан иборатки, турмуш ташвишларида тобланган, мураккаб вазиятларни бошдан кечирган одам бир-бирининг қадрига етади, комиллик сари интила боради. Шу маънода ҳаётий қийинчиликлар бугунги кунда ҳам учраб туради. Айтайлик, тўлов-контракт асосида ўқийдиган талаба шартнома пулини тўлашда қийналиб қолдим, дейиши мумкин. Ёки имтиҳон сессияси кунлари қизғин дарс қилишга тўғри келишини ҳам қийинчилик деб баҳолаши мумкин. Лекин бизнинг талабалик давримиздаги бошимиздан ўтказган қийинчиликлар олдида ҳозирги давр мураккаблиги ҳеч нарса эмас.

1955 йилда шаҳарга ўқишга борганимизда бизга йўл-йўриқ кўрсатадиган бирор инсон бўлмаган. Ҳозиргидек шароитлар қаерда дейсиз. Қайси ўқув юртига ҳужжат топширсам экан, деб иккиланиб турганимда бир танишимиз Савдо институтига боракол, кириш имтиҳонлари ичида математика фани йўқ деса айтганини қилибман. Шу тарика оддий тасодиф туфайли ҳаётим бу соҳа билан боғланган.

Талабалик йилларида институт ётоқхонасидан жой олиш ҳар кимга ҳам насиб этавермасди (ҳозир набирам ўқийдиган университет талабалари турар-жойига бориб, ҳамма қулайликлар муҳайё этилган масканга ҳавасим келди). Ҳа, ўша давр азоб-уқубатлари олдида ҳозирги ҳаёт жаннатнинг ўзи. Мен бу муқоясаларни шунинг учун келтиряпманки, ёшларимиз бугунги кун неъматларини қадрлашсин. Бир бурда нон қанча одамнинг заҳматли меҳнати натижаси эканлигини англаб етсин.

Ҳозир қайси корхона ёки ўқув юрти биносига кирсангиз, дунё андазалари даражасида таъмирланганига гувоҳ бўласиз. Ахир аввалари бошпана бўлса кифоя эмасмиди?! Кўпларимиз ҳозирги ҳолга ўрганиб кетдик. Лекин ўтмиш қийинчиликларини гоҳ-гоҳида эслаб турсак, бугунги неъматларнинг қадрига етган бўлардик.

Ҳаётда ҳеч нарса беиз кетмайди. Йиллар мобайнида қаноат қилиб, шукроналик билан ҳаёт кечирганлар мана энди роҳатини кўришяпти. Ўзим ҳам шундай инсонлардан бириман. Ёш мутахассис сифатида ишга қабул қилиниб, бир жамоада ўттиз етти йил узлуксиз ишладим. Ҳозир ўзимни энг бахтли одамлардан бири ҳисоблайман. Чунки ота-боболаримиз орзу қилган мустақилликни кўрдим, унинг мустаҳкамланишига баҳоли-қудрат ҳисса қўшаётганимдан фахрланаман.

Жумабек НАВРЎЗОВ,
меҳнат фахрийси
Жиззах шаҳри.

ОЛДИНДА МАСЪУЛИЯТЛИ УЧРАШУВЛАР

Футбол бўйича Пекин олимпиадаси Осиё минтақаси саралаш босқичи гуруҳ баҳсларининг биринчи тур учрашувлари ортда қолди.

Хабарингиз бор, мусобақанинг «F» гуруҳида қатнашаётган Ўзбекистон олимпиячилари дастлабки учрашувда БАА футболчиларини 2:1 ҳисобида мағлубиятга учратганди. Кўпчилик учун кутилмаган натижа гуруҳнинг иккинчи ўйинида қайд этилди. Гуруҳнинг яққол пешқадами сифатида эътироф этилаётган Жанубий Корея Олимпия терма жамоаси ўз майдонида Яман футболчиларидан кичик ҳисобда устун келди — 1:0.

Мусобақанинг қолган гуруҳларидаги учрашувлар эса қуйидагича якунланди: ***«А» гуруҳи.*** *Қатар — Қувайт — 2:2, Бахрайн — Покистон — 8:0.* ***«В» гуруҳи.*** *Япония — Сянган — 3:0, Сурия — Малайзия — 3:1.* ***«С» гуруҳи.*** *Вьетнам — Ливан — 2:0, Уммон — Индонезия — 3:0.* ***«D» гуруҳи.*** *Эрон — Австралия — 0:0, Иордания — Саудия Арабистони — 0:1.* ***«Е» гуруҳи.*** *Таиланд — ҲҚДР — 0:1, Ироқ — Ҳиндистон — 3:0.*

Иккинчи тур баҳслари 14 март куни ўтказилади. Шу куни Ўзбекистон Олимпия терма жамоаси Сана шаҳрида Яман футболчилари меҳмони бўлади.

«ФУТБОЛ» КРОССВОРДИ

Шаклда белгиланган хонадан соат мили йўналишида рақам атрофи бўйича: 1. 2006 йили Германияда ўтказилган жаҳон чемпионатининг энг моҳир футболчиси. 2. Ҳал қилувчи ўйин. 3. Кейинги жаҳон футбол чемпионатидаги биринчи гол муаллифи. 4. «Ҳар қандай жамоани жаҳон чемпиони қила оламан» — деган бразилиялик мураббий. 5. Ўйинда ҳужумга қарши туриш. 6. Италия футбол жамоаси. 7. Саралланган жамоа. 8. Ўйинни бошқарувчи. 9. «Олтин тўп»нинг 1993 йилги совриндори. 10. Соврин. 11. Энг яхши «ҳимоя». 12. Андрей Шевченко ўйнаган Италия жамоаси. 13.Тўпнинг тепилиши. 14. 1982 йилги жаҳон чемпионати тўпурари. 15. Лондондаги футбол жамоаси. 16. 1991 йилнинг энг яхши футболчиси. 17. Қарши шаҳридаги стадион. 18. Сардор бошчилигидаги футболчилар гуруҳи.



ЧАЙНВОРД: *1. Футбол анжоми. 2. Ватанимиздаги энг катта стадион. 3. «Олтин тўп»га уч бора сазовор бўлган тўпурар. 4. Ютуқ ҳисоби. 5. Футбол ҳам ўрин олган халқаро спорт ўйинлари. 6. Мехикодаги футбол стадиони. 7. Футбол тўплари ишлаб чиқарувчи машҳур фирма. 8. Пеле ўйнаган футбол жамоаси. 9. Пойтахтимизда бунёд этилган биринчи стадион. 10. «Реал» жамоаси ҳимоячиси. 11. «Ньюкасл» клуби ҳужумчиси. 12. Таниқли япон футболчиси. 13. Ўзбекистондаги аёллар футбол жамоаси. 14. Юздан ортиқ тўп киритган ўзбек футболчиси. 15. МДҲ мамлакатлари чемпионлари Кубоги XV турнири финалчиси. 16. Аёллар ўртасида Ўзбекистон чемпиони бўлган футбол жамоаси. 17. Перулик дарвозабон. 18. Қитъаларо кубок ғолиби бўлган жамоанинг моҳир ўйинчисига тақдим этиладиган автомобиль. 19. Жаҳоннинг икки бор чемпионлигига эришган Жанубий Америка давлати. 20. Футбол ватани. 21. Ўзбекистон терма жамоаси ғолиб бўлган, Осиё ўйинлари биринчилиги ўтказилган мамлакат. 22. «Пахтакор» жамоасининг собиқ мураббийи. 23. Франция футболи жамоаси. 24. Мамлакатимиз жамоасидан бири. 25. Ҳисоб ўзгарадиган ҳолат. 26. Моҳир немис дарвозабони.*

МУАММОНОМА

Очқич сўзлар: 1. Майдон қисмларидан бири — 4, 9, 14, 22, 9, 19.
2. Бир неча бор Ўзбекистон чемпиони бўлган жамоа — 2, 20, 5, 1, 16, 3.
3. Тенг тугалланган ўйин — 13,6,14,9,2,12.
4. Ўзбек «Пеле»си номини олган футболчи — 14, 9, 17, 4, 9, 1, 6, 8, 8, 9, 20, 15.
5. 2006 йилги энг моҳир дарвозабон —10, 6, 5, 5, 7, 2.
6. Мамлакатимизда футбол тарихи бошланган шаҳар — 11, 18, 11, 7, 2.
7. Ўйин қоидаси бузилиш натижаси — 21, 9, 14, 3, 4, 9.

Энди очқич сўзлар жавоблари асосида шакл атрофидаги рақамларни ҳарфлар билан алмаштириб, муаммономани ҳал этинг. Шунда йўналиш бўйича ўқиш орқали Ватанимиз футболи билан боғлиқ учта асар номи ва муаллифини билиб оласиз.

Фозилжон ОРИПОВ тузди.

«МУМТОЗ АДАБИЁТ» АЙЛАНМА КРОССВОРДИ ЖАВОБЛАРИ:

(Газетанинг 2007 йил 24 февраль сони)

Шаклда белгиланган хонадан соат мили йўналишида рақам атрофига: 1. Хоразмий. 2. Навоий. 3. «Гулистон». 4. Биноий. 5. Саккокий. 6. Қитъа. 7. Байт. 8. Жомий. 9. Мажлисий. 10. Чистон. 11. «Оташкада». 12. Дурбек. 13. Кошғарий. 14. Хамса. 15. Банд. 16. Ғазал. 17. Деҳлавий. 18. Асотир. 19. Мустазод. 20. «Ғулзор». 21. Мунаққид. 22. Девон. 23. Назм. 24 Бедил. 25. Мувашшаҳ. 26. Ашъор. 27. Қоралама. 28. Атоий. 29. Барчиной.

Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек туманидаги «SUG'DDIYONA-JAVOHIR» хусусий корхонаси мулк шаклини ўзгартириб «SUG'DDIYONA-JAVOHIR» М.СН.Jга АЙЛАНТИРИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони матбуот хизмати жамоаси масъул ходим Ҳошимжон Муродовга падари бузруквори **АБДУМАННОП ота**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон ХДП Тошкент вилояти кенгаши партия фаоли, халқ депутатлари Оҳангарон шаҳар Кенгаши раиси, шаҳар ҳокими Абдуғаффор Маннопова онаси **Лолахон МАННОПОВА**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Адвокатлар» адвокатлик фирмаси жамоаси фирма ходими Холдаров Зафаржонга жияни **ЭРКИНЖОНОВ Лазизбек Абдулатиф ўғли** фожиали вафот этгани муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G'ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Turobjon JO'RAYEV
Feruz NAZIROV
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug'bek MUSTAFOYEV
Farruh HAMROYEV
(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Muslihiddin MUHIDDINOV
Nomoz SA'DULLAYEV
Svetlana GERASIMOVA
Andrey KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:
Partiya hayoti 133-10-13
Ma'naviyat va ma'rifat 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Huquq 136-76-21
Ekologiya va salomatlik 133-44-55
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Mas'ul kotib 133-72-83
Reklama va e'lonlar 133-38-55, 133-47-80

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-22-32
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg'onada — 26-43-62
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Navbatchi: Matnazar ELMURODOV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchilar: Ikromjon ISMOILOV, Sobirjon TUNG'ATOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro'yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 249
14815 nusxada bosildi
1 — Тижорат материали
O'zA yakuni — 22.30
Topshirilgan vaqti — 23.15
1 2 3 4 5
Sotuvda erkin narxda